

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ЎУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ

Г А Р А Ж

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: Исраилов Қ.

РАЎБАР: Абдужаббарова М.

ТОШКЕНТ 2012

Г А Р А Ж

Қурилиш майдони (участкаси): Фаолҳаракатга эга бўлган шаҳар магистралига бевосита яқин бўлган участка рельефининг катта ўзгариши (тепаликлар, адирлар, қияликлар, ирмоқлар ва ҳ.к.) туфайли майдони учун ноқулай бўлиши мумкин. Участкага гараж автомашиналар турар жой ташқи фойдаланиш имкониятига эга бўлган автоматлаштирилган ювиш жойи, меҳмонларнинг машинаси учун 10-15 м/м ($25 \text{ м}^2/\text{жой}$) авто турар жойи асосий бино атрофида ҳалқали айланиб юриб ўтиш йўли, ёнғин ҳавсизлиги учун сув сифимининг ($d_{\text{ички}} = 6\text{м}$, $h = 2,4$) бўлиши талаб этилади, меҳмонлар, мижозлар ва ходимлар учун дам олиш айони жойи (зонаси)нинг бўлиши тақоза этилади: персоналнинг айвон тагидаги 20 м/м ли ишлаб чиқариш авто турар жойи: қолган ҳудуд кўмаклаштирилади ва дистанцион диспетчер бошқарувчидан автоматик ишлайдиган дарвоза ва эшиклар билан тўсилади.

Тури (типи) ва қаватлар сони: гараж- автомашиналар турар жойлари турини (типини) танлаш (автомашиналарнинг ўзи юрар рамонвли манежли тури, лифтлар ёрдамида вертикал кўтарилувчи ва горизонтал йўналишда ўзи юрар комбинациялашган ёки 2,2x4,6x0,1 м ўлчамли махсус металл платформаларида механик усулида кўчириладиган “тўлиқ автомат” тури, бу тур ишчи таянч томонда ролан билан жиҳозланади), қаватларнинг сони доимий ёки ўзгарувчан бўлиши, шу қаторда ер остида (2-3) ер устида (5-6) манежлар учун, яшаш қурилишларида 10-12 “автоматлар” учун томданфойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда, ички режавий ва конструктив структурали, архитектуравий –образли гараж турар жойлари талаба томонидан реал участкада танланади, бу участкалардан ҳар бири Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларида гараж автомашиналар турар жойлари учун ажратилган жойларда қурилади. “Автомат” типидagi гараж-автомашиналар турар жойлари қаватлиги –чегаралайди. Автомашиналарни ўзлари юриб бориш тартибида манежли гараж автомашиналар турар жойига бир томонлама боши берк қаторга 90° бурчак остида жойлаштиришда режа (тарх) да рангли пунктир кўрсаткич (стрелкали) чизиқлар билан автомашиналарнинг рамп –лифтдан машиналар турар жойига ҳаракатланиш йўналиши ва аксинча қайтиш йўналиши кўрсатилади. Тўғри оқимли турдаги гараж автомашиналарнинг манежли тури (типи) ҳам қўлланилиши мумкин яъни автомашиналарнинг лифтли кириши ва чиқишни ташкил этиш билан қаватларда манеж турар жой чегарасида автомашиналарнинг бир томонлама жойлаштирилишини таъминлаш мумкин.

Конструкция ва архитектура: Йиғма ёки қуйма темирбетон ёки боғланган типли металл каркасли ёхуд асосий горизонтал сейсмик кучларни (қурилиш майдонининг ҳисобий сесмиклари 7-9 балл) қиладиган “Асосий

ядроти” деб аталувчи конструкцияси асосий юк кўтарувчи конструкция бўлиб хизмат қилади. “Бикрлик ёдроти” бўлиб рамплар (балки рамплар эмас рамалардир), зинапоя –лифтли тугун (узел)лар хизмат қилиши мумкин; антисейсмик боғланишлар вертикал ўрнатиладиган ясси темирбетон-конструкторларнинг тавсиялари бўйича пойдевордан бошлаб бино бутун баландлиги бўйлаб ўрнатилади (қоидага кўра шамолланадиган автошиналар турар жойнинг фасадлари қандай жойлашишидан қатъий назар диафрагмалари тўғри бурчаклида ўрнатилиши тақоза этилади). Манежли турдаги (типдаги) гараж автошиналар турар жойларидан персоналлар (хизмат кўрсатувчи ходимлар) ва мижозларни эвакуация қилишнинг ягона йўли бу тутун тўпланмайдиган (ёки очик) зинапоя клеткаларидир. Гараж автошиналар турар жойи комплексининг ва ёрқин фасадларнинг суперграфикаси билан томдаги реклама ва биринчи қават сатҳидаги рекламанинг композицион ечимлар муаллифнинг ғоясига яъни муаллифнинг ўзига хавола этилади. Автомобилларнинг замонавий бўёкли динамик дизайнини эътиборга олиш тақозо этилади яъни гараж –автошиналарнинг турар жойи автомобиллар суперархитектураси билан уйғунлашган (гармоник) бўлиши ва ўз формаси ҳамда ранги бўйича динамик ва замонавий бўлмоғи лозим.

а) Хизмат кўрсатиш хоналари (жойлари) қоидага кўра 1 қаватга жойлаштирилади; маъмурий –бошқарув хоналари энг юқори қаватга жойлаштирилади; б) Хизмат кўрсатиш хоналарининг ишчи ҳарорати: ишлаб чиқариш зонасининг икки ҳарорати - $+15^{\circ}\text{C}$, маъмурий – бошқарув ва дўкон зонасининг ҳарорати - $+18^{\circ}\text{C}$; в) Манежли типдаги автошиналар турар жойи –иситилмайди, очик ҳолатда бўлади, табиий шамоллатишга эга бўлади; автомат автошиналарнинг турар жойи – ёпиқ тур (тип) да иситилмайдиган, шамоллатиладиган бўлади; г) Ўтиш йўллари, рамплар, лифтлар (автошиналарни кўтаргичларнинг ўлчамлари 3×6 м), коридорлар, холлар ва эвакуация зинапоя клеткалари- топшириқ билан режалаштирилмайди ва амалдаги технологик ва ҳамда ёнғин хавсизлиги меъёрлари талаблари бўйича қабул қилинади; д) Хоналарнинг минимум баландлиги: хизмат кўрсатиш хоналарнинг баландлиги -3,0 м, ишлаб чиқариш зонаси ва дўкон (савдо –сотик зали) – 3,6 м; манеж типдаги гараж автошиналар турар жойининг каркас конструкциясининг энг пастки қисмигача ригелларгача бўлган баландлик -2,2 м; “автомат” типдаги гараж автошиналар турар жойида сақлаш учун 0,2 м баландлик қўшиб берилади, лекин унинг баландлиги 1,8 м дан кам бўлмаслиги лозим; е) Гараж автомобиллар турар жойига буфет ёки очик ҳавода салқин йўл бўйича жойлашадиган 12-16 кишига мўлжалланган кафени киритиш мумкин, бу кафе $24-36\text{ м}^2$ юзага эга бўлган қишги зал, $12-15\text{ м}^2$ юзага эга бўлган кухня – тайёрлаш хонаси, 10 м^2 юзага эга бўлган омборхона, юзаси душ 12 м^2 бўлган хизмат кўрсатиш хонаси, 6 м^2 юзали душ ва санитар тугундан иборат бўлиб, унинг умумий $76-95\text{ м}^2$ юзани ташкил этади.